

Брифинг: «Ўзкимёсаноат» АЖ тизимига 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида келиб тушган мурожаатлар таҳлили

// 24.07.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/brifing20260724>

«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш, уларни қонунчилик талаблари асосида ўз вақтида ва ҳолисона кўриб чиқиш ҳамда мурожаатларда кўтарилган масалаларга ечим топиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2026 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида «Ўзкимёсаноат» АЖ ижро аппарати ҳамда тармоқ корхоналарига жами **1090 та мурожаат** келиб тушган.

Жумладан:

- 452 таси – оғзаки;
- 326 таси – ёзма;
- 312 таси – электрон шаклда қабул қилинган.

Келиб тушган барча мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилди.

Хусусан:

- 570 та мурожаат бўйича мурожаат эгаларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди;
- 359 та мурожаат ижобий ҳал этилди.

Мазкур натижалар мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари билан очиқ мулоқотни таъминлаш ҳамда кўтарилган масалаларни амалий ҳал этиш бўйича олиб борилаётган ишлар самарасини акс эттиради.

Ижро аппаратида келиб тушган мурожаатларнинг ҳудудлар кесимидаги таҳлилига кўра, энг кўп мурожаатлар қуйидаги ҳудудлар ҳиссасига тўғри келган:

- Навоий вилояти – 56 та;
- Тошкент вилояти – 32 та;
- Қашқадарё вилояти – 15 та;
- Тошкент шаҳри – 11 та;
- бошқа ҳудудлар ва чет давлатлар – 9 та;
- Фарғона вилояти – 6 та.

Мурожаатлар мазмуни таҳлилига кўра, асосий масалалар ишга жойлашиш, минерал ўғитлар хариди, ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, ҳамкорлик масалалари, минерал ўғитлар экспорти ҳамда бошқа йўналишларга оид мурожаатлардан иборат бўлган.

Ҳисобот даврида ижро аппаратида келиб тушган мурожаатларнинг 101 таси жисмоний, 46 таси эса юридик шахслар томонидан юборилган.

Мурожаатларни мунтазам таҳлил қилиш, уларда кўтарилаётган масалаларни тизимли ўрганиш ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни амалга ошириш мурожаатлар

билан ишлаш сифатини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.